ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
GA`LLAOROL TUMANI
HOKIMI
QARORI

2019 йил "25" март 3548-сонли Ғаллаорол шаҳри

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларнинг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345–сонли "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 50-сон, 559-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом (Ўзбекситон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2013 йил 17-сон, 229-модда) (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель), ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекситон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан.

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги қишоқ хўжалаги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари (бундан буён матнда- техника деб юритилади) техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли техникаларни техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1 иловага мувофиқ;

- техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман “Давтехназорат” инспекциясининг қишоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспектори томонидан ундириладиган йиғмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарини ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилсин.

4. Техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия раиси (Н.Хидиров)га:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида билдиришномани юбориш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма бериш;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни туман ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарор “Ғаллаорол овози” газетасига эълон қилинсин ва белгиланган тартибда ҳокимликнинг веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. 2018 йил 16 январда туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинган № 94-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари У.Умурзоқов зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг расмий эълон қилинган кундан этъиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**